

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Курс иши

Ёзувнинг пайдо бўлиши

Текширди:

т.ф.д. К.Ж. Рахмонов

Бажарди:

А.Б. Рустамов

БУХОРО-2015

Мавзу: Ёзувнинг пайдо бўлиши.

Режа:

Кириш -----

1. Ёзувнинг пайдо бўлиш жараёнига умумий тавсиф-----

2. Ёзувнинг пайдо бўлиш босқичлари-----

3. Марказий Осиёдаги илк ёзувлар-----

Хулоса-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати-----

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният тарихининг узов қаъридаги воқеа ва ҳодисалар, кишилиқ жамиятининг тараққиёти ва босқичларини ўрганишда ёзувнинг аҳамияти катта бўлиб ҳисобланади. Ёзув фақат ахборот алмашилиш воситаси эмас, балки инсоният маънавий меросининг авлодларга етиб келишида улкан ҳисса қўшган тафаккур маҳсули бўлиб ҳисобланади. Тарихдан кишиқ жамиятининг цивилизацион босқичга кўтарилишига асосий урғу ёзув деб қаралади.

Жаҳон тарихидан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви бўлган. Жумладан, ўзбек халқининг ҳам. Президентимиз Ислам Каримов 2001 йил ноябрда “Авесто” китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги нишонланган тантанада сўзлаган нутқида “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам “икки дарё оралиғи”да, мана шу заминда умргузаронлиқ қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюқ давлат, буюқ маънавият, буюқ маданият бўлганидан гувоҳлиқ берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди¹. Демакки, бундан 3000 йиллар аввал бу ўлкада давлат, маънавият ва маданият бўлган экан, унда ёзув ҳам бўлган бўлишига шубҳа бўлмаслиги керак.

Ҳар бир халқнинг ёзуви турлича бўлсада уларнинг шаклланишида маълу бир умумий қонуният мавжуд. Анна шу қонуниятларни, ёзув турларининг шаклланиши ва тараққиётини ўрганиш, бир ёзув туридан бошқаларининг келиб чиқиши каби муаммоларни ўрганиш зарур ва бу орқали ибтидоий даврда яратилган маънавий бойлиқларни таҳлил этиш имконига эга бўламиз. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз танлаган курс иши лойиҳаси “ Ёзувнинг пайдо бўлиши” мавзусини

¹ Каримов И. Инсон бахт учун туғилади. -Т.: “Шарқ”, 2001, -Б.22.

ўрганиш ибтидоий давр тарихини тушиниш ва билимларни янада бойитишга кўмаклашадиган мавзулардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Танланган курс иши лойиҳаси мавзуси қадимдан барчани юирдек қизиқтириб келган ва ёзувлар тарихига оид кўплаб асарлар яратилган. Биз тадқиқ этилаётган мавзуга оид асарларни расмий равишда уч гуруҳга бўлдик.

Биринчи гуруҳга собиқ шўролар даврида чоп этилган асарларни киритишни лозим топдик. Бу асарларда тарихий жараёнларга баҳо беришда кучли мафкуравий таъсирнинг сезилиб турганлигини ва уларни ўрганиш жараёнида танқидий назардан ёндашиш лозимлигини эслатиб ўтишни лозим ҳисоблаймиз. Бу асарлар сирасига Алексеев В. П. Першиц А. И, Косвен М О, Дрингер Д, А. А. Реформатский²ларнинг асарларини келтириб ўтиш зарур.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликни қўлга киритгандан кейин чоп этилган адабиётларни киритишни лозим топдик. Бу даврдаги адабиётларнинг тарихий жараёнларга адолатли ва холисона баҳо берилганлиги билан характерланади. Ушбу гуруҳ адабиётларга биз Абдуллаев М, М.Абдуллаева, Н. Маҳмудов, Б. Якубова, А. Исломов, а. Саъгдуллаев, Ф. Сулаймонов, Б. Ахмедов³ ва бошқа олимларнинг асарларини келтириб ўтишни лозим топдик.

Ҳозирги кунда фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этиб бормоқда. Интернет тобора ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида турмушда энг кўп мурожаат этадиган ахборот манбаи сифатида кириб

² Алексеев В. П., Першиц А. И История первобытного общества. М.: 1990. , Косвен М. О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т.: 1960. , Дирингер Д. Алфавит. М., 1963., Реформатский А. А. Введение в языковедение, М.: Аспект Пресс, 2006.

³ Абдуллаев М., Абдуллаева М. ва б. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп лугат. -Т.: “Шарк”, 2009., Маҳмудов Н. Ёзув. // ЎЗМЭ. 3-жилд. 467-бет., Исмоилов А., Мадвалиев А. Пиктография. ЎЗМЭ. Тошкент, 2004, 7-жилд. –Б 69., Оромий ёзуви. ЎЗМЭ. Т.,2003, 6-жилд, 571-бет., Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.-Т.: “Ўқитувчи”. 1996. -Б., Ахмедов Б.Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: “Ўқитувчи”. 2001.-Б.30. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. -Т.: “Ўзбекистон”. 1997. Н.Маматов, А.Ҳожибоев, С.Юлдашева фалсафа (ўқув қўлланма) Т. 2005. Ўзбекистон тарихи.(А.Сагдуллаев таҳрири остида) Т.:”Университет” 1997.

келмоқда. Аммо, ундан мақсадли фойдаланиш лозимлигини унитмаган ҳолда ёзув трихига оид бир қатор маълумотларни ушбу манбадан ҳам олдик. Шу сабабли кейинги гуруҳ адабиётларига интернетни киритишни лозим топдик⁴.

Мавзуни ўрганишдан мақсад ва вазифалар. Танланган “Ёзувнинг пайдо бўлиши” мавзусидги курс иши лойиҳамизни ўрганишдан асосий мақсад инсониятнинг узоқ ўтмишда яратган маънавий маданиятининг бизга қадар етиб келишига хизмат қилган ёзувлар, уларнинг вужудга келиш шарт – шароити, ёзувларнинг пайдо бўлиб, бир турдан иккинчиси томон ривожланиб бориши, шунингдек Марказий Осиё минтақасида ҳам ёзувларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

- ёзувнинг пайдо бўлиш жараёнидаги шарт – шароитлар ва турли шаклдаги ёзувларга умумий тавсиф бериш;

- ёзув турлари, уларнинг пайдо бўлиш жараёнлари оддийдан мураккабга томон бориши ва аста – секин ёзувларнинг соддалашиб боришини таҳлил қилиш;

- Марказий Осиё ҳудудида илк ёзувларнинг шаклланиш босқичлари, уларнинг қайси ёзув асосида вужудга келгани, Марказий Осиё ёзувларининг бошқа халқлар ёзувлари шаклланишга таъсири хусусида илмий хулосаларга келиш;

Ишнинг тузилиши: Курс иши лойиҳаси кириш, уч банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ҳолда ёзилди.

Пайдо бўлиш жараёнига умумий тавсиф.

⁴ Якубова Б. Илк ёзув тарихи. // kamolot.uz / media maqolalar // 1697-i / k-ezuv – tarihi. htm /., Шокиров Ш. Дарбанддан топилган ноёб топилма. // <http://surxondaryo.uz/?newsid=19>, Дулбарчин.//<http://do.gendos.ru/docs/index-125832>.

Тарихдан маълумки, цивилизация инсоният тарихидаги уч катта тарихий даврнинг (ёввойилик, вахшийлик ва цивилизация) цивилизация босқичини олимлар ёзувнинг пайдо бўлиши билан бошланган деб таъкидлайдилар. Бу ходиса бундан 5 - 6 минг йил муқаддам бошланади⁵. Илк ёзув расмлардан иборат эди, бироқ вақт ўтиши билан ер юзининг турли жойларида алифбо пайдо бўла бошлади.

Ёзувнинг кашф этилиши цивилизациянинг бошланишини билдиради, деб ҳисоблашга сабаб шундан иборатки, инсонда ўтмиш ходисалари тўғрисида хотиралар сақлаб қолиш ва шу тариқа ўз тажрибасини бошқаларга қолдириш имкони пайдо бўлди. Ёзув - инсоният тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга етказувчи бебаҳо восита. У инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири.

Ёзув - бирор тилда қабул қилинган махсус белгилар йиғиндиси. Ёзув тушунчаси тилнинг товуш элементлари (сўз,бўғин, товуш)ни ифодаловчи белгиларгина эмас, балки пиктография (лотин *picture* 1-расм, сурат, тасвирий ёзув-ёзув турларидан бири. Идеография (алоҳида сўзларни ифодаловчи ёзув) шакллари хам ўз ичига олади. Булар алоқа қилиш белгилари йиғиндиси сифатида ёзувдан илгари белгилар (хотира ёзув, ҳисоблаш ёзуви ва бошқалар) га қарама-қарши қўйилган. Уруғчилик тузуми даврида дастлаб сурат ёзуви пайдо бўлди. Кишилиқ жамияти кичик ва тарқоқ оила – уруғлардан ташкил топган даврда кишилар бир-бирлари билан фақат оғзаки нутқ ёрдамида фикр олишган⁶.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ибтидоий жамият тарихини ўрганишда қўлга киритилган ютуқлар, топилган ва ўқилган (дешифровка қилинган) жуда кўп ёдгорликлар ёзувнинг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиётини ёритиш имконини берди.

⁵ Абдуллаев М., Абдуллаева М. ва б. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: “Шарқ”, 2009. -Б. 419.

⁶ Маҳмудов Н. Ёзув. // ЎзМЭ. 3-жилд. 467-бет

Бу даврда, асосан, тўрт гуруҳ қадимги ёзувлар дешифровка қилинди:

1. Турли типдаги Миср гиероглиф (ёки иероглиф)лари. Бу тур Ёзуви XIX асрнинг 20-йилларида француз олими Шампальон томонидан ўқилган. XIX асрнинг 70-90-йилларида Эванс ўқиган қадимги Крит сурат ёзувлари ва Симс ўқиган Кипр ёзувлари Миср сурат ёзувлари типига киради.

2. Миххат ёзувларининг турли типлари. Бу тип Ёзувлар Осиёда қадимда яшаган қатор халқларнинг тилларида ишлатилган (шумер, ассиро-вавилон, элам, халд, хет, форс тилларига мослашган ва бошқа). Бу тур Ёзувлар XIX аср бошларида дешифровка (ёзувлар сирини очиш) қилина бошланиб, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида тугалланди.

3. Сомий халқларда қайд қилинган ва тилларига мосланган ҳарф (товуш) ёзувининг энг қадимги шакллари. Булар финикий ва ханаан Ёзувлари (асосий ёдгорликлари XIX асрнинг 60-70-йилларида ва XX асрнинг 20-йилларида топилган): Жанубий араб, оромий Ёзувлари (қадимги нуманалари XIX асрнинг 60-70-йилларида топилган). Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, қадимги уйғур ва урхун енесей ёзувлари ҳам аслида оромий Ёзуви заминида юзага келган. Уни XIX асрнинг 90-йилларида тилшунос олимлар В.Томсен ва В.Радлов дешифровка қилганлар⁷.

4. Юнон алфавитининг қадимги шакли ва лотин алифбосининг алоҳида варианты ва бошқа турли вариантдаги бу ёзув турлари (фригий, этруск, италий, венет каби лахжаларни акс эттирган турли ёдгорликлар) бизгача етиб келган. Бу Ёзувлар XVIII асрдаёқ илм аҳлига маълум бўлди ва уларнинг грамматик жиҳатдан ўрганилиши XIX асрда қиёсий-тарихий тилшунос фанининг ривожига катта ёрдам кўрсатди.

Илк ёзув бундан 5000 йил аввал пайдо бўлган⁸. Одамлар ўрганган ёзув ишоралардан иборат бўлиб, илк маротаба қуш тирноқлари, суяк ва тошлар

⁷ Маҳмудов Н. Ёзув.// ЎзМЭ. 3-жилд. 467-бет

⁸ Якубова Б. Илк ёзув тарихи. // kamolot.uz / media maqolalar // 1697-i / k-ezuv – tarihi. htm /.

билан тошларга ёзишган. Кейинчалик жамият ривожлана боргач, мазкур ишоралар ўрганилган. Илк алифбо Финикия ва Юнонистонда яратилган. Кейинчалик бошқа ҳудудларда тарқалган. Шундан сўнг одамлар тирнок билан эмас қуш патлари билан ёзишга ўтишгач дарахтларга, метал парчаларга ёза бошлаганлар. Пиктография (лотинча *pictus* – чизилган, тасвирланган ва ... графия) – ёзувнинг ривожланиш босқичларидан, фонетик ёзувдан олдинги ёзув тури: муайян ахборот мазмунини бирон-бир расм ёки қатъий кетма-кет келган расмларда акс эттириш усули. Америка ҳиндулари, Тропик Африка халқлари, Австралия ва Океания туб аҳолиси, Сибирдаги айрим элатлар орасида тарқалган ва ҳатто XX асргач амал қилиб келган. Пиктографиянинг қадимги намуналари полеолитга (айрим олимларнинг фикрича – неолитга) мансубдир. Пиктография белгилари – пиктограммалар фонетик (товушли, ҳарфли) ёзув белгиларидан шу билан фарқ қиладики, улар аниқ тил бирлигига боғлиқ эмас ва улар хоҳлаган тилда хоҳлаганча талқин қилинади: бир пиктограмма муайян бир сўз, унинг синоними, сўз бирикмаси, бир неча маънога эга бўлган гап ёки бир неча гап тарзида “ўқилиши” мумкин⁹. Пиктографиялар кейинчалик иероглифик ҳамда фонетик ёзувларнинг келиб чиқишига асос бўлган.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг бир қатор археологик манзилгоҳларидан пиктограмма шаклидаги ёзувлар топилган. Шундай манзиллардан бири Сурхандарё вилоятининг Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғи ҳисобланади. Термиз Давлат Университети тарихи-археолог олимлари юқорида номи қайд этилган қишлоқдан тошга битилган энг қадимий ёзув намунаси жамланмасини топдилар. У ўзининг ёзилиш услубига кўра милoddан аввалги 3-2 минг йилликларга оид бўлиб, тахминан 5 йиллик тарихга эга ёзув пиктографик усулда ёзилган бўлиб, аввал тошга тирнаб шакл берилган, сўнггра оҳра бўёқлари билан бўялган дейди таниқли олим Зоир Чориев. Тошга туширилган ёзувлар шунчалик аниқки, биз унга бир

⁹ Исмоилов А., Мадвалиев А. Пиктография. ЎЗМЭ. Тошкент, 2004, 7-жилд, 69. –Б.

карашдаёқ оддий ҳайвонлар тасвирлари, тоғ ва дарахтлар ифодаланган шакллари бемалол ўқиса бўлади.

Зоир Чориевнинг таъкидлашича, 70 га яқин катта, 30 га яқин кичик шохли, жами бўлиб эса 100 га яқин тасвирлар берилган. Мана шунинг ўзи ҳам бизни ҳеч иккиланмасдан бу китобни тош китоб дейишга асос бўлган. Энг муҳим эса ушбу оригинал пиктографик асар ҳали дунёнинг ҳеч бир ҳудудида топилмаган. Ва Ўзбекистон ҳудудини Месопотамия, Хитой, Миср ва Қадимги Ҳиндистон билан бир қаторда 5 цивилизация ўчоғи эканлигини тасдиқлайди. Мутахассислар томонидан мазкур пиктографик ёзувларнинг тўлиқ ўрганилиши эса ўтмишнинг ҳам бизга маълум бўлмаган қирраларини очиқ беради¹⁰.

Илк ёзув бугунги ёзувларимиздан бутунлай фарқ қилади. Қуйидаги тарихий воқеа шундан гувоҳлик беради. Одамлар эрамыздан аввалги 40-10 минг йиллар-палеолит даврида чизилган расмларни топишди. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, суякка белгилар ўйган, ғор деворларига ҳайвонлар-бизон, мамонт, оҳу, каркидон, от, буғу ва одамнинг тасвирини чизган. Хуллас, дуёни билганича тасвирлаган.

Давр ўтиши мобайнида воқеа-ҳодисаларни буюм орқали ёзув ҳам, (тури билан) алмашди. Буюмли ёзув ҳам, суратлар билан ҳикоя қилиш ҳам ўзининг асосий вазифасини бажариб бўлди, чунки бу ёзув инсониятнинг тўплаган билимларини сақлаб қоладиган ўзига хос хотирага айлана олмади. Маълум шаклга кирган урф-одатлар анъаналарни янги авлодга етказиш лозим эди. Меҳнат тақсимооти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қилар эди. Ана шу зарурият, эҳтиёж туфайли ривожланган ёзув юзага келди. Шу тариқа жамиятнинг тараққиёти учун хизмат қила бошлади. Дастлаб алоҳида табақалар – давлат амалдорлари, ёзув билан доимий шуғулланувчилар томонидан қўлланди.

¹⁰ Шокиров Ш. Дарбанддан топилган ноёб топилма. // <http://surxondaryo.uz/?newsid=19>.

Мисрликларнинг ўн иккинчи фиръавни ўғлига шундай хат ёзиб қолдирган экан: ”Ўғлим, темирчиларни кўргин, кун бўйи оғир меҳнат остида эзилиб, ўзларига овқат топа олмайдилар. Этикдўзларга қарагин, тун бўйи чироқ ёруғида этик тикиб, очликдан касал бўлиб, бевақт вафот этадилар. Тош йўнувчиларни кўр, улар қандай оғир, қанча кўп ишласалар ҳам, камбағалликдан бошлари чиқмайди. Шунинг учун сен хат ёзишни ўрган, саводли бўл, хат ёзишни билган одамлар бахтли бўладилар.”Подшоҳ ёзувни ва саводли бўлишни турли касб-хунарлардан устун қўяётгани йўқ, балки билим одамни муҳтожлик ва азоб-уқубатдан қутқаради, демоқчи.

Қадимги халқлар ёзувни мўъжизавий санъат тури сифатида жуда қадрлаганлар, ёзувни ўзларининг катта худолари яратган деб ишонганлар. Ёзув саводсиз одамларга мўъжиза бўлиб туюлган. Хат-саводли кишилар-коҳинлар, мирзалар, олимлар ва давлат арбобларини имтиёзли тоифага мансуб, деб билганлар.

Ёзув ҳақида айрим афсоналар ҳам мавжуд. Жумладан, ёзувнинг дунёда пайдо бўлиши ҳақида Америка қитъасида яшовчи хиндулар ўртасида шундай афсона юради: Эмишки, дунёдаги биринчи пайдо бўлган одамнинг икки ўғли бўлиб, биттаси оқ, биттаси қора экан. Бир куни худо шу икки болани ўз ҳузурига чақириб, улар олдига олтин ва бир китобни қўйибдида: “Мана шу иккита буюмдан хоҳлаганингизни олинг, қайси бирини олиш сизларнинг ихтиёрингизда”, дебди. Шунда қора бола олтинни, оқ бола китобни олиб кетибди. Бироқ қора бола олтинни сарф қилиб битириб, болаларига ҳеч нарса қолдирмабди. Шу сабабли унинг болалари бахтсиз бўлибдилар. Оқ бола китобни олиб болаларига ўргатибди ва уларни илмли, хат-саводли қилибди. Болаларини, авлод-аждодини бахтли қилибди.

Бу афсонада илмга бир оз сиёсат ҳам аралашган кўринади. Аммо яна бир ақида бор: Миср халқларининг фикрича, ёзувни худо ўзининг ердаги вакиллариغا (яъни руҳонийларга) совға қилиб юборган эмиш. Шу сабабли бу муқаддас ишга қора халқнинг қўл уришига ҳаққи йўқ эмиш. Ёзув битмоқ фақат руҳонийларнинг иши эмиш. Кўряпмизки, икки скин ўртасидаги

ғоявий кураш ёзув баҳсида ҳам бўлган. Оддий халқнинг саводли, билимли бўлиб, кўзи очилиши, албатта, халқнинг фойдасига, аристократнинг эса зарарига юрган. Шунинг учун фуқаро ҳамма даврда ҳам тазйиқ остида бўлади.

Ёзувларнинг турли халқларда пайдо бўлиш тақдири турлича. Бугунги кунда дунёда ёзувнинг тўрт юзга яқин тури маълум. Лекин ҳамма ёзувнинг тараққиёти, келиб чиқиши аниқланган эмас. Ҳар бир ёзув тизими жонли бўлиб, ўзгариб боради, ривожланади. Ёзув тизимини ўрганиш соҳасида иш олиб борилаётганига икки юз йилдан ошди. Айрим ёзувларнинг сири тўла очилди, бошқалари навбатини кутмоқда. Масалан, шумерларнинг энг қадимги-эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йилликнинг бошида ёзилган ҳужжатлари ҳамон жумбоқлигича турибди. Шумерлар жамият тараққиётининг илк босқичидаёқ маънавий жиҳатдан юксак халқ бўлган. Улар ёзувнинг дастлабки ижодкорларидан эдилар. Афсуски, шумерларнинг анча кейинроқ ёзилган хатларигина ўқилган, холос.

Оромий ёзуви эрамиздан олдинги I минг йилликларнинг бошида юзага келди¹¹. Оромийларнинг дастлабки ватани Сурия ва Месопатамиянинг жанубида жойлашган араб чўллари эди. Бу чўлларда маданий жиҳатдан ўсиб бораётган аҳолининг маънавий-моддий эҳтиёжлари ўзгаришсиз қолаверди. Кўчманчи оромий қабилалари эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда Олд ва Кичик Осиё мамлакатлари (Сурия, Фаластин, Месопатамия, Финикия, ва бошқа) да ўрнашдилар. Бу жойлар серсув яйлов бўлиб, ўтроқлашиш ва янада маънавий юксалиши мумкин эди. Улар Финикияда финикий ёзуви билан танишгач, бу ёзувни оромий тилига мослаштирдилар. Дастлабки оромий ёзуви финикий ёзувидан деярли фарқ қилмаган. Кейинчалик эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларнинг ўрталарида оромийлар финикий ёзувига айрим ўзгартиришлар киритганлар. Ҳарфлар сонини қисқартириб, шаклини ҳам соддалаштирганлар. Бундай

¹¹ Оромий ёзуви. ЎЗМЭ. Т.,2003, 6-жилд, 571-бет.

ўзгартиришга оромий ёзувининг савдо-сотиқ ва маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланилиши ва тез ёзиш зарурияти сабаб бўлган.

Оромий ёзувида сўзлар ажратиб ёзилади, сўзларни ажратиш учун бир вертикал чизиқ ёки нуқтадан фойдаланилган. Кейинроқ сўзлар ўртасида бўш жой қолдириш расм бўлганди. Оромийлар Олд ва Кичик Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётига етакчи мавқеа тутишган. Эрамиздан олдинги VIII асрдан бошлаб эса оромий тили ва ёзуви бу мамлакатларда халқаро даражага кўтарилган. Кейин яхудийлар, вавилонликлар, оссурияликлар, форслар, араблар оромий ёзувини ўз тилларига мослаштириб олдилар.

Эрамизнинг IV асрларига келиб оромийлар араблар билан қоришиб кетди. Араб ёзуви кенг қўлланилиши натижасида оромийларнинг ёзуви ҳам йўқолди. Оромий ёзувида битилган энг қадимги матнлар эрамиздан олдинги IX-VIII асрларга мансуб.

Қисқача қилиб айтганда, ёзувнинг пайдо бўлиши инсон фаолиятининг маҳсули бўлиб, кишилиқ цивилизацияларининг асосини ташкил этувчи муҳим восита бўлиб қолди. Бизнинг юртимизга эса, финикия ёзуви асосида шаклланган оромий ёзуви кириб келгач, маҳаллий шарт – шароитлардан келиб чиқиб, Хоразм ёзуви шаклланди. Бу хусусидаги фикрларимиз кейинги бандда берилади.

2. Ёзувнинг пайдо бўлиш босқичлари

Ёзувнинг ҳозирги кўринишига келиши узоқ давом этган жараён бўлиб, уни шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

1. предмет ёзув. Кишилиқ жамиятининг тараққий этиб бориши билан ахборот алмашинуви маълум бир масофада ва вақт оралиғида етказиш учун ахборот алоқа воситасига эҳтиёж сезила бошлади. Сўзлашув, ахборот алмашинувнинг турли воситалари хусусида қадимги манбаларда бир қанча маълумотлар учрайди. Жумладан Геродот Форс подшоси Доро I нинг

скифлар юртига хужуми вақтида скифлардан келган элчининг унга куш, сичқон, қурбақа ва камон ўқлари бергани, подшо буни скифлар уни ўз шоҳлари деб тан олганларини англатади деган хаёлга боргани, аммо, бир доно вазири скифлар бу била нагар сиз форслар куш сингари осмонга учиб кетмасангиз, сичқон сингари ер остига кириб кетмасангиз, қурбақа сингари сув остига яширинмасангиз, биз йўллаган ўқлардан ўласиз демоқчи бўлганларини таъкидлайди. Ушбу афсонадан кўриниб турибдики, ибтидоий одамлар турли буюм ва воситалардан хабарлар, янгиликларни етказишда фойдаланганлар. Турли предметлар билан хабарлашиш орқали маълумот айрбошлашга яна бир мисол бу Америка Ирокез ҳиндуларидаги (вампум – ирокезларнинг турли рангларга бўялган чиғаноқларнинг бир ипга турли масофа ва миқдорда териб қўйилиши орқали ахборот алмашинуви)¹². Вампумлар пиктографик ёзувга ўтишнинг дастлабки босқичи деса тўғри бўлади. Аммо, вампумларни тайёрлаш бир неча йилни талаб қилган. Вампумлар аниқ воқеалар, тузилган шартнома ва бошқалардан хабар қилувчи ёзувдир. У турли хил узунлик ва кенгликдаги жуда майда белгилардан (тахтачалар ёки тасмалар) иборат бўлган. Вампумлар қабила бошлиқларида сақланган ва уларнинг мазмуни хотирада сақланган. Ёш авлодга уни вақти – вақти билан ўқиб берилиб, маъноси тушунтирилган. ва Жанубий Америка ҳинду қабиласи инклардаги Кипу (ипга турли узунликда кўндалангига бир қанча ипларни турли узунлик ва турли ранг билан тугуб қўйиш орқали (тугунли хат) ахборот алмашинув) воситасини мисол қилиб келтириш мумкин. Рақамларни жуда оддий тарзда қайд қилиш учун хизмат қилувчи тугунлар, баъзи халқларда Америка ҳиндулари, микронезияликлар воқеаларни ёзиш ва хабар бериш воситаси сифатида ривожланган. Перуда эса кипу энг тараққий этган. Перу инкларининг кипуси бир биридан турли масофада тугилган турли шаклдаги тугунлардан иборбат бўлиб, турли рангдаги ва турли узунликдаги тугунлар боғлампидан иборат, шу билан бирга уларнинг ҳаммаси бита асосий ипга боғлаб қўйилган. Кипу турли

¹² Дирингер Д. Алфавит. М., 1963. – С. 125.

мақсадларда; хўжалик ҳисоби, аҳоли рўйхати, солиқлар миқдори ва бошқа мақсадларда, ҳатто, бутун бошли воқеаларни ёзишга ҳам хизмат қилган. Албатта, предмет ёзувлари ахборот алмашинувининг қулай воситаси эмас эди. Уни ҳамма ҳам доим тушина олмаган. Шунинг учун одамлар аста секин ахборот алмашинувининг анча қулайроқ шаклларига ўтиб бора бошлаганлар.

2. пикторгафик ёзув.



қуёш маъносини англатувчи қадимги хитой иероглифи (rì) мил.авв 1200 йиллар олдин.

Ахборот алмашинувининг бундан кейинги жараёни пикторгафия бўлиб, бу сурат ёзув маъносини англатади. Пикторгафия сўзи лотинча ва юнонча сўзлардан олинган бўлиб, лотинча *pictus* – расм солинган юнонча *grafein* – ёзиш, чизиш деган маънони беради. Пиктографик ёзувлар ҳам ахборот алмашинувига у қадар ката аҳамият касб этмаган. Чунки, сурат, тасвирларни англашга ҳамманинг ҳам уқуви етмаган. Шундай бўлсада, бу ёзув бир қадар предмет ёзувдан прогрессивроқ эди. Пиктография кўпгина қабила ва халқлар орасида кенг тарқалган. Меланизияликлар, Шимолий Америка ҳиндулари, сибир халқлари орасида бу ёзув тури айниқса кўпроқ сақланган. Ривожланган пикторграфик хатларда алоҳида расмлардан ёки шартли буюмлар, ҳаракат ва ҳодисалардан ташкил топган. Пиктографик ёзувлар баъзан мураккаб нарсалар ҳақида ҳикоя қилади, воқеаларнинг хроникасини беради, ота – боболарнинг қаҳрамонликлари ҳақида сўзлайди. Қадимги пиктографиялар дарахт пўстлоқларига, тош, суяк ва териларга ёзилган. АҚШ хинду – делаварларининг 1849 йили АҚШ президентиға қайин пўстлоғига чизиб юборган расм петиция пиктографиянинг ёрқин мисоли

бўлиши мумкин. Бу петицияда етти уруғдан иборат қабиланинг юқори кўлдан бошқа қўшни кўлга кўчиб ўтишга ижозат берилиши сўралган. Етти уруғ бу ерда ўзларининг тотемлари турна, учта сувсар, айиқ, денгиз одами, денгиз мушуги образида кўрсатилган. Энг олдинда етакчи уруғ сифатида турна кўрсатилган. Пастда эса кўчиб бориловчи кўл белгилаб қўйилган, барча фигураларнинг кўзлари ва юраклари илтимосномаларни ифодаловчи Турнанинг кўзи ва юраги билан туташтирилган. Бу уларнинг бир ёқадан бош чиқариб илтимос қилаётганларини ифодалаган¹³.

Пиктография абстрак фикрлашни иккинчи киига етказиб бера олмас эди. Шунинг учун пиктография ҳам тараққий этиши лозим эди. Пиктографиянинг ривожланган шакли бу идеография (тушунчалар берувчи ёзув) вужудга келди. Юқорида келтирилган ҳиндуларнинг АҚШ президентиға йўллаган мактубини идеография деб аташ ҳам мумкин. Чунки, идеографияда тана қисмларининг айримларига жумладан кўз ва юракларга ката эътибор қаратилади. Айниқса кўзларнинг ўткирлиги, юракнинг зийраклиги идеографиянинг асосий шартларидан бири бўлган. пиктографик ёзувлар ўз тараққиёти натижасида иероглиф ёзувларнинг вужудга келишига ката туртки бўлди.

Иероглиф ёзуви



Ҳозирги даврда хитой ёзувидаги куёш белгиси (ri)

Пиктографик – сурат ёзувлар кишилиқ жамияти тараққиёти натижасида иероглиф – (сирли ёзув, илоҳий ёзув маъносини беради) ёзувларға айлани

¹³ Косвен М. О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т.: 1960. – Б. 189.

боради. Бу ёзувлар одатда синфий жамият ва давлатлар ташкил топиш жараёнида вужудга келгн бўлиб, улар ўзининг мураккаблиги ва белги иероглифларнинг ниҳоятда кўплиги билан характерланади. Иероглифлар товушни ифодаламай маълум бир бўғин ёки сўзни ифодалайди. Қадимги Миср ёзувида 850 та Қадимги Месопотамия, Хитой ва бошқа иероглифга асосланган ёзувларда бир неча мингтадан белгининг бўлиши сўзлар ва ёзувларнинг бир – биридан фарқланишини кўрсатади. Бир қатор қадимги иерогли ёзувларнинг жумладан қадимги Ҳинд, қадимги Юнон каби ёзувларнинг сири топилмаганлигининг боиси уларнинг бошқа бирор хат ёзуви билан яқин алоқада бўлмаганлиги деб тушинтирилади. Иероглиф ёзувларни ҳамма ҳам ўргана олмаган. Уни ўрганишга узок муддат сарфланган. Қадимда ибодатхоналарда уларнинг сақланиши ва руҳонийлар ва жамиятнинг юқори табақа вакилларининг ўқиш ва ёзишни билиши бу ёзув турларига сирли ёки илоҳий ёзув мақомини берганлигини кўришимиз мумкин.

Бўғинли ёзув. Ибтидоий ёзув турларининг яна бири бу бўғинли ёзув тури ҳисобланади. Иероглифик ёзувларининг мураккаблиги, ўқиш ва ёзишда сода тузилишларга эг бўлиш мақсадида ёзувнинг яна бир тури бўғинли ёзув турлари вужудга келган. Бизгача ибтидоий ёзувнинг қадимги форс, аккад, ғарбий семит(финикия, араб ва қадимги Миср ёзувининг ўзгарган формаларини давом эттирган напата, мероэ ва бош), япон (катакана ва хирагана) ва бошқаларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Финикия ёзуви ёзув тарихида ката рол ўйнади. Бу ёзув дастлабки алифбо тарзидаги ёзув бўлиб, дунё халқлари маданиятининг ажралмас бўлагига айланди. Финикия ёзувидан икки йўналиш шарқий ва ғарбий йўналиш вужудга келган. Шарқий йўналиш араб ёзувини вужудга келтирган бўлса, ғарбий йўналиш қадимги юнон, лотин ва кирил алифболарининг вужудга келишига асос бўлди.

Алфавитли ёзув. Финикияликлар 22 ҳарфдан иборат ёзувларини ишлаб чиққандан кейин, дастлаб ундан юнонлар фойдалана бошлайдилар.

Аммо, улар бу ёзувда ўз тилларида ахборот алмашишга анча қийнала бошлайдилар. Чунки, финикия ёзуви юнон тилининг барча товушларини ифодаламасди. Шунинг учун бир неча янги белгилар қўшилиб, финикия алифбоси асосида 30 та ҳарф белгидан иборат юнон алифбосига асос солинади. Юнон алифбосининг ҳам бир неча турлари вужудга келади. Кейинчалик ғарбий юнон алифбосидан латин алифбоси вужудга келган.

Инсоният ёзувлари типлари

- **Питографик** — ёзув белгилари аниқ бир объект орқали ифодаланган ва унга қаратилган.
- **Идеографик** — ёзув белгиси маълум фикрни ифодалашга қаратилган.
- **Фоноидеографик** — ёзув белгиси ғоя ва товушларга қаратилган бўлади.
 - **Логографик** — ёзув белгиси аниқ бир сўз ёки гапни ифодалайди
 - **Морфем** — ёзув белгиси аниқ, муайян морфемани ифодалайди (масалан хитой ёзуви)
- **фонетик** — аниқ ва муайян товушларни ифодаловчи ёзув турлари.
 - **Бўғинли (силлабик)** — ҳар бир белги маълум бир бўғинни ифодалайди.
 - **Хусусий бўғинли ёзув** — бўғинли ёзувнинг алоҳида тури бўлиб, бўғинли белгиларнинг ўзгариши билан унли товушларнинг ҳам ўзгариб боришига асосланади (масалан япон канна ёзуви)
 - **Абугида** — ёзув матнида бўғинлар маълум бир ўзак асосида кўринишини ўзгартиришга асосланган ёзув. Эфиопия ёзуви ва қўшимчалар қўшилгандан кейин шаклини ўзгартирадиган ҳинд ёзувини мисол тариқасида келтириш мумкин.
 - **Консонант** — ёзуви. Ҳар хил унли товушлар билан келган ва шу унлилардан кейинги товушлар бир хил бўлган сўзларни қофиялаш усулидаги

ёзувлар. Ёзувда фақат ундошлар ёзилади, унлилар хатнинг мазмунига қараб ангилашилади.

○ **Консонат- вокал ёзув** — ёзувда ҳам унли ва ҳам ундош товушларни бир графема орқали ифодаланиши.

Алфавитлар фонетик ёзув тури ҳисобланади, улардан фойдаланишда стандартликка, алифбо тартибида ҳарфларни ёзи талаб қилинади. Алифбо белгилари ҳарфлар дейилади.

Иероглиф ёзувлар аниқ, муайян маънога эга бўлади.


• Қадимги Миср иероглиф ёзуви икки системали бўғинлардан иборат бўлган.

• Қадимги Хитой иероглиф ёзуви логографик мазмунга эга бўлган, замонавий хитой иероглифи эса — морфемага кўпроқ таянади¹⁴.

Ёзувларнинг асосий кўринишлари



¹⁴ Дирингер Д. Алфавит. М., 1963. – С. 231.



Қуйида маълум бир минтақа ва ҳудудларда тарқалган ёзувларнинг турлари келтирилади.

Яқин Шарқ ва Ўрта ер денгизи ҳавзасининг қадимий ёзувлари

- Миср ёзуви
 - Метроэ ёзуви
- Михсимон ёзувлар
 - Шумер
 - Аккад
 - Элам
 - Хуррит
 - Урарту
 - Хетт
 - Қадимги Форс
- Элам иероглификаси
- Лувий иероглификаси
- Крит ёзуви ва ундан тарқалган — чизиқли ёзув А ва чизиқли ёзув Б, Крит – микен ёзуви, Кипр ёзуви¹⁵.

Семит (товушли) ёзуви ва ундан тарқалган ёзув турлари (юнон ёзувидан ташқари)

- Библи ёзуви
- Протоханааней ёзуви
- Протосинай ёзуви
- Угарит ёзуви (михсимон)
- Қадимги ханааней ёзуви

¹⁵ Реформатский А. А. Введение в языковедение, М.: Аспект Пресс, 2006. — с.352 — 353.

- **Финикия ёзуви**
- Карфаген ёзуви
- Маовит ёзуви
- Палеоеврей ёзуви
- Самарит ёзуви
- Оромий ёзуви
- Яхудий ёзуви (квадратсимон ёзув)
- Пальмира ёзуви
- Сурия ёзуви (эстрангело, несториан ва серто ёзувлари)
- Араб алифбоси
- Жави — Малайзия ва Индонезия
- Суғдий ёзув
- Қадимги уйғур ёзуви
- Қадимги мўғул ёзуви
- Маньжур ёзуви
- Қадимги Ливия ёзуви (нумидия хати)
- Қадимги Ливия ёзуви (Тифинаг)
- Турдетан ёзуви
- Ўқишга мувофақ бўлинмаган Гуанчей ёзуви
- Жанубий араб ёзуви
- Эфиопия ёзуви
- Кичк Осиё ёзувлари
- Ибер ёзуви

Семит ёзувларидан тарқалган алфавитлар.

- Орхон – Энасоё ёзувлари (туркий руин ёзувлари)
- Болгар руинлари
- Венгр руинлари
- Иссиққўл ёзувлари
- Тана (габули тана) мальдив тили учун 17 асрда араблар таъсирида шаклланган

Юнон ва ундан келиб чиққан алифболар.

- Юнон алифбоси
- Италий алифболар
- Этриск алифбоси
- Лотин алифбоси
- Копт алифбоси
- Гот ёзуви
- кирилица

грекоид ёзувлардан тарқалган алфавитлар.

- Руинлар (герман қабилалариники)

- Арман алифбоси
- Грузин алифбоси
- Агван ёзуви

Ҳинд ёзуви (бўғинли)

- кхарошти
- Брахми
 - Деванагари
 - Бенгал алифбоси
 - Сингаль ёзуви
 - Канада ёзуви
 - Телегу ёзуви
 - Тибет ёзуви
 - Тохар ёзуви
 - Мўғул ёзуви
 - Бирма ёзуви
 - Тай ёзуви
 - Кхмер ёзуви
 - Лаос ёзуви
 - кави (қадимги Ява ёзуви)
 - тагаль ёзуви

хитой ва ундан тарқалган ёзувлар

- хитой ёзуви
- япон бўғинли ёзуви
 - хирагана
 - катакана
- Чжурчжэнь ёзуви
- Кидан ёзуви
- Тангут ёзуви
- Чуан ёзуви

• Корейс ёзуви (хангыл) — ташқи кўриниши хитой ёзувига ўхшаб кетсада, амалда тузилиш жиҳатдан кескин ўзгача, яъни алфавитга асосланган ёзув¹⁶.

Бошқа даимги ва ўрта асрларгача фойдаланилган ибтидоий ёзув турлари

- Майя ёзуви
- Ацтек ёзуви
- Цуань ёзуви (Хитой)
- Донгба ёзуви (наси, хитой)

¹⁶ Дирингер Д. Алфавит. М., 1963. – С.232.

- Огамик ёзув
- Қадимги Перм ёзуви (абур)

XVIII—XX асрларда мавжуд бўлган ёзувлар

Бу даврлардаги ёзувлар христиан миссионерлари ёки европаликлар билан танишув натижасида ибтидоий халқлар орасида вужудга келган¹⁷.

Осиё

- Пахау ва полларда ёзувлари (Ҳиндихитойдаги мяо тиллари учун вужудга келган)
 - Кая-ли ёзуви Мьянма, Таиланд ҳудудларидаги диалект тиллари учун ишлаб чиқилган ёзув турлари.
 - Варанг – кшити хо тили учун (Ҳиндистондаги мунда халқидан бири учун)
 - Ол-чики — ҳиндистондаги мунда халқининг сантали деб аталувчи тармоғи учун тузилган алифбо
 - Идеографик ёзувга асосланган Чукотка ёзуви.

Африка

- НКО ёзуви (1949 йилдан Гвинея ва малидаги Манден тили учун ташкил қилинган алифбо)
 - Баса (1900 йиллар атрофида шу қабила учун яратилган ёзув)
 - бете
 - ваи (1820 йиллардан ҳозиргача қўлланилиб келаётган ёзув)
 - Кпелле (1930-1940 йилларда асос солинган)
 - Лома (1930 — 1940 йилларда асос солинган) Либерияда.
 - Кикакуи ёки менде(менде тили учун (1921—1940йилларда) Сера-леонеда вужудга келган.
 - Бамум (1896—1950 йилларда вужудга келган) Камерун аҳолиси учун.
 - Османья (Сомали тили учун)
 - Мандомбе (1978й) Анголо, Конгода жорий қилинган.
 - волофал (волоф тили учун лойиҳа алифбоси 1960—1974 йилларда)

Америка

- чероки ёзуви
- канада бўғинли ёзуви (кри, эскимос ва оджибвелар учун)

¹⁷ Реформатский А. А. Введение в языковедение, М.: Аспект Пресс, 2006. — с.352 — 353.

ўйлаб топилган тиллар учун яратилган алифболар

- тенгвар
- ифкуил морфо-фонетик ёзуви

ҳозирга қадар ўқишга мувофақ бўлинмаган ёзувлар.

- Ронго-ронго (XIX асрнинг охирида йўқолиб кетган)
- Библ ёзуви (мил.авв II минг йиллик ўрталари)
- Фест ёзуви (мил.авв. II минг йиллик ўрталари)
- Ҳинд цивилизацияси ёзувлари (протоҳинд ёки хараппа ёзувлари мил.авв III минг йиллик ўрталари)
- Троя ёзувлари (мил.авв. II минг йиллик ўрталари)
- Кипр – миной ёзувлари мил.авв II минг йиллик охирида йўқолган)
- Кипу (XVII асрда йўқолган)
- Токапу инклар ёзуви (XVII асрда йўқолган)¹⁸

Марказий осийёдаги илк ёзувлар.

Марказий Осиёдаги энг қадимги халқларнинг ёзувлари мил. авв.V- IV асрларда шакллана бошлагани, аجدодларимиз бу даврда хоразмий, сўғдий, бахтар тилларида ёдгорликлар битилганликлари маълум.

Манбаларда “Авесто” дастлаб 21 та китобдан иборат бўлганлиги, 12 мингта хўкиз териси ёки 12 мингта тахтага олтин ҳарфлар билан битилганлиги қайд этилади¹⁹. Академик Б.Ахмедов ўша вақтларда “Авесто”нинг уч нусхаси мавжуд бўлгани, бири Искандар Зулқарнайннинг (Александр Македонскийнинг) амр-фармони билан ёкиб юборилгани, иккинчиси, Юнонистонга олиб кетилгани, учинчиси ўта эътиқодли

¹⁸ Реформатский А. А. Введение в языковедение, М.: Аспект Пресс, 2006. — с.352 — 353

¹⁹ Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.-Т.: “Ўқитувчи”. 1996. -Б.12.,; Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. -Т.: “Ўзбекистон”. 1997. -Б.212.

оташпарастрлар қўлида сақланиб қолганини маълум қилади²⁰. Шубҳасизки, булар Каёний ҳукмдорлардан Гуштасп (Виштасп) саройидаги кутубхонада сақланган. Бундан ташқари, “Авесто”га табиат, нужум, жуғрофия, деҳқончилик, табобат, тарих каби илмларга оид қисмларнинг мавжудлигидан хулоса чиқариб айта оламизки, оташпарастрлар (зардуштийлар)нинг ихтиёрларида шу фанларга оид ёзувлар ҳам бўлган.

Тўғри, қадимги ёзувларимизга асосланган илк манбалар “Авесто” сингари (унинг ягона нусхаси Данияда, Копенгаген кутубхонасида сақланмоқда) табиий офатлар, айниқса, босқинчилик урушлари оқибатида бизгача камдан-кам етиб келган. Улардан араблар истилоси (VII-IX асрлар) даври маънавий-маданий йўқотишларини 150 дан ортиқ асар муаллифи А.Р.Беруний шундай ёзиб қолдирган: “Қутайба ибн Муслим Хоразм хаттотларини қатл эттиради ва дин пешволарини қириб ташлаб, уларнинг китоб ва қўлёзмаларини ёқиб юборгандан кейин, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар, уларнинг фақат ёдда сақлаб қолган хотираларигина қолди, аммо вақт ўтиши билан бу унитилиб, фақат ўзлари учун мос бўлган хотираларигина сақланиб қолди” (“Танланган асарлар”. I-том. -Б.79.)²¹. Марв, Бухоро ва Самарқанд кутубхоналарида сақланган жуда кўп ноёб асарларнинг тақдири ҳам шундай ҳал бўлди.

Замон, туркий ёзув ўзининг мукамаллиги билан бизни ҳайратга солади, мукаммал бўла туриб, йўқолиб кетиши эса янада ажаблантиради. “...Турк ёзуви, унинг ўрнини эгаллаган уйғур ва араб ёзувларига нисбатан анча мукаммал эди”, - деб ёзади академик В.В.Бартольд. Туркий ёзувини илк бор қўрган XVII аср Оврупо олимлари ёзувга “рун ёзуви” деб ном беришди. Тақдир тақозо билан, бу ёзув узоқ вақтгача биз учун сир бўлиб келди.

Эрамизнинг VI асри ўрталарида Еттисув ва Шарқий Туркистондаги туркийларни бирлаштирган Истами ҳоқон Византия императори Юстин II

²⁰ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: “Ўқитувчи”. 2001.-Б.30.

²¹ Ўзбекистон тарихи.(А.Сағдуллаев таҳрири остида) Т.:”Университет” 1997. 122-бет

га ҳам юборади. Элчи сўғд бўлиб, унинг олиб борган хатини тарихчи Менанду “скиф ёзуви” да ёзилганини айтади. Лекин, бу ҳам қадимги туркий тилда ёзувга битилганига бугун шак-шубҳа йўқ. Зеро, туркий ёзув эрамиздан аввал мингинчи йилларда яратилиб, миллоднинг VI асрида энг сифатида қўлланилар эди.

Немис олими Иоганнес Фридрих ўзининг “Ёзувлар тарихи” китобида туркий ёзув VIII асрдаёқ истеъмолдан чиқиб кетди, деб ёзади. Аммо XV асрда яшаган машҳур олим ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойибул-мақдур фи навойиби Таймур” (Темур фалокатларида қисмат ўйинлари) асарида “Хитойда туркларнинг “дулбаржин” деб аталган ёзувини кўрдим, ҳарфи қирқ битта,” деб ёзган эди²².

Бундан кўринадики, ислом бориб етмаган жойларда туркий ёзув ўз вазифасини ўтайверган. Чунончи, бу ёзув ҳоқонларнинг қўлга киритган ғалабаларини тошга ўйиб ёзиш учунгина ишлатиладиган ёзув бўлмай, балки, туб маънода халқ ёзуви эди.

Марказий Осиё халқларининг энг буюк маданий муваффақиятларидан бири – бу ҳудудда ёзувнинг ихтиро этилганлигидир. Бу ерда ёзувнинг тарихий энг қадимги замонларда бориб тақалади. Милоддан аввалги I мингинчи йилликнинг бошларидаёқ оромий ёзуви, унинг негизида хоразм ёзуви, “Авесто” ёзуви, сўғд ё, кушон ё, ниҳоят, юнон ёзуви, янги эранинг бошларидан ўрхун-энасой ёзувлари, уйғур ёзувлари ваҳо казо. Ёзувнинг ихтиро қилиниши инсоният маънавият имкониятининг кенгайишига, илм-фан ва билимларининг янада бойиб боришига, кишилар фалсафий тафаккурининг ривожланишига олиб келади.

Хуллас, Марказий Осиё халқлари хусусан, ўзбекларнинг тарихий илдизлари, маданияти, ижтимоий, сиёсий, диний-ахлоқий ва фалсафий²³

²² Дулбарчин.//[http:// do.gendos.ru/docs/index-125832](http://do.gendos.ru/docs/index-125832).

²³ Н.Маматов, А.Ҳожибоев, С.Юлдашева фалсафа (ўқув қўлланма) Т. 2005 –Б. 27.

қарашлари шаклланишининг илк даврлари ана шу қадим замонларга бориб тақалади²⁴.

Ўрта Осиё тупроғида бундай ҳайкалчалар, қояларга уйилган суратлар жуда кўп. Унда турли ҳайвонлар, одамлар сурати акс эттирилган. Масалан, Ўзбекистон билан Тожикистоннинг ҳозирги чегараси-Зарафшон тизмаларидаги қоя тошларга ўйилган худди шундай суратлар топилган. Кийиклар ва эркаклар тасвири туширилган бу сурат оҳактошга уйилган бўлиб, сатҳи 2,5-3,5 метр келади. Суратда кийиклар қатор бўлиб турибди. Суратлар ўткир қуроллар билан текис уйилган. Кийик шу ерда яшовчилар учун муқаддас ҳайвон (тотем) саналиб, улар кийикка сиғинганлар. Тасвир шунга ишора қилади. Марказий Осиёдан топилган қушлар, ҳайвонлар тасвири ҳам шундан далолат беради. Буларни инсоният бадиий тафаккурнинг олий маҳсули, дейиши мумкин. Одамнинг нозик ҳислари, қалб кечинмалари ҳамда урф-одат, эътиқодлари яна шу қадимги тасаввурларда ўз аксини топган. Бу ёзув тури кейинги даврларда ҳам учрайди.

Бундай ёзувлар намуналари Сурхон воҳасидан ҳам топилган. Воҳада ўзбекистонлик олимлар билан ҳамкорликда Франция, Россия, Япония, Германия каби давлатларнинг археологлари ҳам илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда²⁵.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг бир қатор археологик манзилгоҳларидан пиктограмма шаклидаги ёзувлар топилган. Шундай манзиллардан бири Сурхандарё вилоятининг Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғи ҳисобланади. Термиз Давлат Университети тарихи-археолог олимлари юқорида номи қайд этилган қишлоқдан тошга битилган энг қадимий ёзув намунаси жамланмасини топдилар. У ўзининг ёзилиш услубига кўра милоддан аввалги 3-2 минг йилликларга оид бўлиб, тахминан 5 йиллик тарихга эга ёзув пиктографик усулда ёзилган бўлиб, аввал тошга тирнаб шакл

²⁴ Ўша жойда. –Б. 28.

²⁵ Шокиров Ш. Даранддан топилган ноёб топилма. // <http://surxondaryo.uz/?newsid=19>.

берилган, сўнгра оҳра бўёқлари билан бўялган дейди таниқли олим Зоир Чориев. Тошга туширилган ёзувлар шунчалик аниқки, биз унга бир карашдаёқ оддий ҳайвонлар тасвирлари, тоғ ва дарахтлар ифодаланган шакллари бемалол ўқиса бўлади.

Зоир Чориевнинг таъкидлашича, 70 га яқин катта, 30 га яқин кичик шохли, жами бўлиб эса 100 га яқин тасвирлар берилган. Мана шунинг ўзи ҳам бизни ҳеч иккиланмасдан бу китобни тош китоб дейишга асос бўлган. Энг муҳим эса ушбу оригинал пиктографик асар хали дунёнинг ҳеч бир ҳудудида топилмаган. Ва Ўзбекистон ҳудудини Месопотамия, Хитой, Миср ва Қадимги Ҳиндистон билан бир қаторда 5 цивилизация ўчоғи эканлигини тасдиқлайди. Мутахассислар томонидан мазкур пиктографик ёзувларнинг тўлиқ ўрганилиши эса ўтмишнинг ҳам бизга маълум бўлмаган қирраларини очиқ беради²⁶.

²⁶ Шокиров Ш. Дарбанддан топилган ноёб топилма. // <http://surxondaryo.uz/?newsid=19>.

Хулоса

Қисқача қилиб айтганда, ёзувнинг пайдо бўлиши инсон фаолиятининг маҳсули бўлиб, кишилик цивилизацияларининг асосини ташкил этувчи муҳим восита бўлиб қолди. Ёзувнинг пайдо бўлишига ибтидоий даврда ахборот алмашинувнинг зарурийлиги ва жамиятнинг тараққий этиб бориши, уруғ жамоаси, шунингдек, тафаккур ва онгнинг ривожланиши, хўжалик ҳаётнинг жадаллашиши сабаб бўлибгина қолмай, бу жараёнлар ёзувнинг вужудга келиши учун асосий шарт – шароит ваз амин ҳозирлади.

Ёзувнинг дастлабки сода ва тушунарсиз кўринишларидан аста – секинлик билан мураккаб ва жуда кам кишилар тушина оладиган даражага ўтиш, шунингдек ёзуни илоҳийлаштириш кишилик жамияти ва инсоният цивилизацияси дурдоналарининг бир қадар асраб авайлашга ва келажак авлодларга етказишга хизмат қилди. Жамият тараққиёти натижасида эса бу ёзувлар ҳам секинлик билан бўлсада ўзгариб, сода ва тез ўрганиш лозим бўлган ёзув шакллариغا, яъни алфавит шаклини ола бошлади.

Финикия алифбоси яратилгандан кейинги даврларда унинг таъсири остида бир қатор алифболар яратилди. Шунингдек бошқа алифболар ҳам финикия алифбоси сингари бир қатор алфавитларнинг вужудга келишига тurtки бўлдилар. Бу жараёнлар бизнинг юртимизда ҳам давом этиб, энг қадимги даврлардаёқ юртимизда ўзига хос ёзув турлари шаклланган эди. Авесто ёзуви миллоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларига тегишли эканлиги фикримизни далили бўлиб ҳисобланади. Бизнинг юртимизга эса, финикия ёзуви асосида шаклланган оромий ёзуви кириб келгач, маҳаллий шарт – шароитлардан келиб чиқиб, Хоразм, сўғд, бақтрия ва бошқа ёзувлар

шаклланди. Уларнинг тарихини ўрганиш яна бир янги мавзу бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Фан. 1998.
- 2.Каримов И. Инсон бахт учун туғилади. -Т.: “Шарқ”, 2001
- 3.Абдуллаев М., Абдуллаева М. ва б. Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат. -Т.: “Шарқ”, 2009
- 4.Маҳмудов Н. Ёзув. // ЎзМЭ. 3-жилд. 467-бет
- 5.Якубова Б. Илк ёзув тарихи. // kamolot.uz / media maqolalar // 1697-i / k-ezuv – tarihi. htm /.
- 6.Шокиров Ш. Дарбанддан топилган ноёб топилма. // [http: // surxondaryo.uz / ? newsid=19](http://surxondaryo.uz/?newsid=19).
- 7.Исмоилов А., Мадвалиев А. Пиктография. ЎЗМЭ. Тошкент, 2004, 7-жилд.
- 8.Оромий ёзуви. ЎзМЭ. Т.,2003, 6-жилд, 571-бет.
- 9.Косвен М. О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т.: 1960.
- 10.Саъдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.-Т.: “Ўқитувчи”. 1996. -Б.12.,;
- 11.Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. -Т.: “Ўзбекистон”. 1997.
- 12.Аҳмедов Б.Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: “Ўқитувчи”. 2001.
- 13.Ўзбекистон тарихи.(А.Саъдуллаев таҳрири остида) Т.:”Университет” 1997.
- 14.Дулбарчин.//[http:// do.gendos.ru/docs/index-125832](http://do.gendos.ru/docs/index-125832)
- 15.Н.Маматов, А.Ҳожибоев, С.Юлдашева фалсафа (ўқув қўлланма) Т. 2005
- 16.Реформатский А. А. Введение в языковедение, М.: Аспект Пресс, 2006.
- 17.Дирингер Д. Алфавит. М., 1963.
- 18.Алексеев В. П., Першиц А. И История первобытного общества. М.: 1990.